ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ РАХМАТАЛИ МУРАДОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИГА ҲУДУДИЙ ФИРМАВИЙ ТЕХНИК СЕРВИС КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017 йил

УЎТ: 631.3.:658.3(075.8)

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Рустамов Рахматали Мурадович
Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. 3

Рустамов Рахматали Мурадович
Совершенствование региональной системы фирменного технического сервиса современным сельскохозяйственным машинам 23

Rustamov Raxmatali Muradovich
Enhancement the system of rendering the regional corporate technical services to uptodate agricultural machines. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 48

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ РАХМАТАЛИ МУРАДОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИГА ҲУДУДИЙ ФИРМАВИЙ ТЕХНИК СЕРВИС КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.07.02 – «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш»

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017 йил

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T60 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tiiame.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Тошболтаев Махамад Тожалиевич** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Нуриев Карим Катибович** техника фанлари доктори, профессор
	Шарипов Қўнғирот Авезимбетович техника фанлари доктори, профессор
	Шообидов Шорахмат Асқарович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**«Ўзагросервис» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «17» январь соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори - Ниёзий кўчаси 39 уй. Тел./факс: (99871) 237-46-68, e-mail: tosh.timi@qxsv.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори - Ниёзий кўчаси. Тел./факс: (99871) 237-46-68.

Диссертация автореферати 2017 йил «27» декабрь куни тарқатилди.
(2017 йил « 30 » ноябрдаги № 2 рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Мирзаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент.

А.К. Игамбердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент.

А.А. Ахметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарига уларни ишлаб чиқараётган фирмалар ва машинасозлик корхоналари томонидан кўрсатилаётган фирмавий техник сервис салмоғи ва сифатини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. «АҚШ ва Европа давлатларида қишлоқ хўжалиги машиналарига фирмавий техник сервис кўрсатиш ишлари машинасозлик корхоналарининг дилерлари томонидан амалга оширилади»[1]. Бундай тизимга дунёда машинасозлик компаниялари, фирмалари ва корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган техника воситаларини импорт қилган давлатларда алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги машиналарига фирмавий техник сервис кўрсатиш самарадорлигини ошириш, машиналардан тўла фойдаланиш, кафолатли муддатда иш қобилиятларини сақлаб туриш, тўхтаб қолган ва тузатилишини кутаётган носоз машиналарга техник хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан машиналарнинг бутун фойдаланиш муддатида ишга яроқли ҳолда бўлишини таъминлаш, далада ишлаётган машиналарда содир бўлган бузилишларни қисқа вақт ичида сифатли бартараф этиш ечимларини топишга доир тизимли илмий тадқиқот ишларини бажариш натижасида мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий фирмавий техник сервис (ФТС) кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда параметрларини асослаш орқали унинг самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг фермер хўжаликларини юқори унумли техника воситалари билан таъминлаш ва уларга ФТС кўрсатиш сифати ва иш унумини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу соҳада, жумладан «Кейс Нью Холланд» (АҚШ) ва «Клаас» (Германия) компанияларидан экспорт қилинган ва ишлаб чиқарилаётган техника воситаларига «ЎзКейссервис» ва «ЎзКлаассервис» қўшма корхоналарининг вилоят сервис марказлари томонидан ФТС кўрсатишда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга фирмавий техник сервис кўрсатишни тизимли шаклда тузиш орқали унинг бир қатор кўрсаткичларини, жумладан хизмат тезкорлиги, ҳажми ва сифатини ошириш талаб этилмоқда. Чунки сервис марказларининг тузилмалари, ҳудудлар бўйича жойлашиш ўринлари, улар ихтиёридаги кўчма устахоналар сони, устахона механикларининг хизмат кўрсатиш радиуслари каби бир қатор параметрлари априор усулда танланган ва илмий жиҳатдан асосланмаган. Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққанда, замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий ФТСни ташкил этиш ва тузилмасини такомиллаштириш йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

[1] www.unitech-mo.ru/upload/.../30ee0c215ac406830542a0e3ec6dbf71.pdf

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сон «Ўзагротехсаноатхолдинг акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 майдаги 126-сон «Қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш ва республика минтақаларида уларга сервис хизмати кўрсатиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[1].

Қишлоқ хўжалиги техникаларига ФТС тизимини такомиллаштиришга доир кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cornell University, Harvard University, University of Wisconsin Madison, Texas A & M University (АҚШ), The Institute of Agricultural Engineering (Буюкбритания), University of Hohenheim, University of Göttingen (Германия), University Bologna, Institute for Agricultural Mechanization (Италия), Agricultural Engineering Bayero University (Нигерия), Бутунроссия машина-трактор паркларини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш техноло-гияси илмий-тадқиқот институти, Жанубий Урал давлат аграр университети (Россия Федерацияси), Беларуссия қишлоқ хўжалигини механизациялаш миллий академияси (Беларусь), Харьков миллий қишлоқ хўжалиги техника университети (Украина) ҳамда Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтлари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий ФТС кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги илмий натижалар олинган: Cornell University (АҚШ)да ФТС ни ташкил этишнинг рационал шакли-дилерлик тизими эканлиги, University of Wisconsin-Madisonда эса ишлаб чиқарувчи корхонани машинанинг кафолатли муддатдаги иш қобилияти учун тўла жавобгарлиги ва дилерлик шахобчаларининг хизмат турлари асосланган; The Institute of Agricultural Engineering (Буюкбритания)да сервис корхоналарига хусусий сектордан

[1] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи http://www.greatplainsag.com/ru /354/vertical-tillage-fall; https://www.uni-hohenheim. de/insti-tution/institut-fuer-agrartechnik: http://study.com/ agriculture_schools.html; http:// www. agr. unizg.hr/en/article/337/department_of_agricultural_engineering; https:// en.wikipedia. org/wiki/ Texas_A%26M_University; https://www.tamu.edu/; http://english.cau.edu.cn/col/col5408/ index.html ва бошқа манбалар асосида фойдаланилган.

қўшимча инвестициялар киритиш орқали уларни ривожлантириш таклиф этилган; Бутунроссия машина-трактор паркини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш технологияси илмий-тадқиқот институти Россия ҳудудларида «Универсал дилерлик-қайта тиклаш марказлари»ни (ДҚТМ) ташкил этишни таклиф қилган; Харьков миллий қишлоқ хўжалиги техника университетида Украина қишлоқ хўжалиги машиналарига ФТС кўрсатиш тизимларини ташкил этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Дунёда мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарига ФТС кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир устувор йўналишларда, жумладан қўйидаги мавзуларда: мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарининг пухталиги ва иш қобилиятини сақланишини таъминлайдиган ФТС тизимини ташкил этиш; сервис корхоналари ёки пунктларини мамлакатлар, ҳудудлар бўйича машиналар миқдоридан келиб чиқиб рационал жойлаштириш; дилерлик корхоналари томонидан бажарилаётган техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнларининг рационал моделини яратиш; турли дала шароитларида ишлаётган қишлоқ хўжалиги машиналарига хизмат кўрсатиш технологияси ва уни бошқаришнинг илмий масалаларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ФТС кўрсатиш тизимини такомиллаштириш жараёнлари Brian Sims, Alexandra Röttger, Saidi Mkomwa (Италия), Shtaltovna Anastasiya Hornidge, Anna-Katharina Mollinga, P. Peter (Германия), Robert Bujaczek, Kazimierz Sławiński, Andrzej Grieger (Польша), Achim Dobermann, Rebecca Nelson (АҚШ), Abubakar M.S., Zakari M.D., Shittu S.K., M. L. Attanda (Нигерия), Żaneta Staszak, Tatiana Buchwald, Duane Griffith, Edmund Lorencowicz (Польша), В.И. Жуленков, А.С. Лапин, В.М. Михлин, Н.В. Заборин, И.Г. Совин, А.В. Горетый, Л.И. Кушнарев, П.А. Андреев, А.Э. Северный, В.И. Черноиванов, В.Варнаков, В.Стрельцов, В.Н.Попов, А.Макаров, П.В.Привалов, А.В.Федотов, Н.В.Даки, В.Столбченко, М.Юдин, В.Корнеев, В.Н.Ткаченко, Н. Антонова, В.И.Журбенко, Ю.М.Попов, В.П.Алферьев (Россия Федерацияси) ва бошқалар томонидан олиб борилган. Улар ФТС кўрсатиш тадбирларининг асосий ижрочилари - дилерларнинг вазифалари ва функцияларини тадқиқ этишган.

Республикамизда таъмирлаш-техник сервис корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Ш.Йўлдошев, Р.Матчанов, Т.Худойбердиев, Ш.Шообидов, Қ.Шарипов, К.Нуриев, А.Усмонов, И.Аширбеков ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг илмий ишларида асосий эътибор таъмирлаш-техник сервис корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалиги машиналарида рақамли (даврий равишда) ўтказиладиган техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш (жорий ва буткул) ва ейилган деталларни қайта тиклаш каби масалаларга қаратилган.

Аммо чет эл ва мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқот ишларида муайян агротехник тадбирни бажараётган машинада (машина-трактор

агрегатида) тўсатдан содир бўлиш эҳтимоллиги катта бўлган носозликлар ва уларни бартараф этиш масалалари ҳисобга олинмаган. Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий ФТС кўрсатиш жараёни яхлит тизим шаклида ўрганилмаган. Дилер фаолияти самарадорлигини белгиловчи параметр ва кўрсаткичлар (масалан, ҳудудий дилерлик шохобчасининг рационал жойлашиш ўрни, моддий-техника базасининг таркиби, хизмат кўрсатиш тезкорлиги ва сифати) назарий жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир илмий–амалий масалалар етарли даражада ўрганилмаганлиги бу йўналишдаги тадқиқотларни бажариш долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур иш ҚХ–4Ф–07 сонли «Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига фирмавий хизмат кўрсатиш системасини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизими тузилмаларини такомиллаштиришга доир илмий ечимларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимининг умумлашган тузилмасини ишлаб чиқиш;

«Фирма–ижрочи–буюртмачи» тизими векторларининг кўрсаткичлари ва бошқариш ресурсларини асослаш;

сервис маркази кўчма устахонасининг эҳтимолий-математик моделларини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш;

янги фирмавий техник сервис пункти параметрлари ва кўрсаткичларини асослаш;

агрегатларга кўрсатилган фирмавий техник сервиснинг статистик параметрларини аниқлаш ва баҳолаш;

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳудудий ва умумий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизими ва тузилмаларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналари ва улардаги носозликлар, фирмавий техник сервис тизими, сервис марказлари, кўчма устахоналар ва мазкур субъектлар томонидан кўрсатилаётган фирмавий техник сервис жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда ҳудудий ва умумий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимлари самарадорлигини оширишнинг назарий-амалий принциплари, тизимга кираётган ва ундан чиқаётган талаблар оқимининг математик ва статистик моделлари, фирмавий техник сервис тизими тузилмасини такомиллаштириш қонуниятларини ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, оммавий хизмат кўрсатиш фанларининг қоидалари,

тизимли таҳлил ва математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимини янги фирмавий техник сервис пунктларини 36-40 км радиуслар бўйича жойлаштириш асосида такомиллаштиришнинг илмий ечимлари ишлаб чиқилган;

«Фирма–ижрочи–буюртмачи» тизими векторларини бошқаришнинг мазкур тизим самарадорлигини оширишни таъминлайдиган техникавий, технологик ва иқтисодий манбалари асосланган;

фирмавий техник сервис тизимининг структуравий параметрлари ва самара кўрсаткичларини, шу жумладан ҳайдов ва чигит экиш агрегатлари, ғалла комбайнлари иш жараёнларининг тасодифий моментларида юзага келадиган (тизимга кираётган) талаблар оқимининг кўчма устахона юкланиши ва хизмат кўрсатиш интенсивлиги каби параметрлари қийматларига таъсир этадиган стационарлик ва ординарлик хоссалари, уларнинг экспоненциал ва нормал тақсимот бўйича ўзгариши асосланган;

машиналарда бир бирлик вақт ичида содир бўлган носозликларнинг математик кутилиши, битта носозликка кўчма устахона томонидан ўртача хизмат кўрсатиш давомийлиги, носоз машиналарга хизмат кўрсатишда кўчма устахонанинг рационал юкланиш коэффициенти, далада тузатилишини кутаётган машиналардан ташкил топган навбатнинг узунлиги, битта машинани тузатилишини кутиб, далада тўхтаб қолган ўртача вақтини аниқлаш ва уларнинг турли хусусий ҳолларга мос сон қийматларини ҳисоблаш имкониятларини берадиган аналитик боғланишлар олинган;

таклиф этилган фирмавий техник сервис пунктлари самарадорлигининг асосий мезони бўлган тизимдан чиқаётган талаблар оқимининг рационал қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

республика ва вилоятлар кесимида умумий ва ҳудудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимларининг хизматлар ҳажми ва тезкорлиги юқори, баҳолари паст бўлган самарали рационал тузилмалари ишлаб чиқилган;

республика ҳудудларида янги фирмавий техник сервис пунктларини ташкил этишда фойдаланиладиган омиллар – пунктларнинг жойлашиш ўринлари, моддий-техника базалари, хизмат кўрсатиш радиуслари ва иқтисодий кўрсаткичлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий тадқиқотларни тизимли таҳлил, оммавий хизмат кўрсатишнинг қоидалари асосида ўтказилганлиги, амалий тадқиқотларда стандартлаштирилган хронометраж усулларидан фойдаланилганлиги, машиналарни бузилиши ва тузатилишига доир тасодифий сонлар тўпламларига эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари ёрдамида ишлов берилгани, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги ҳамда бажарилган иш натижалари самарадорлигини юқори идоралар томонидан эътироф этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот бўйича олинган натижаларнинг илмий аҳамияти математик ва статистик моделлар ёрдамида умумий ва ҳудудий фирмавий техник сервис тизимларининг тузилмалари ва параметрларини оптималлаштиришнинг назарий имкониятлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти республика вилоятлари кесимида машиналарга фирмавий техник сервис кўрсатиш тадбирларини ҳудудий структурали тизим асосида ташкил этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, ҳар бир ҳудуднинг сервис марказидан узоқда жойлашган туманларида янги фирмавий техник сервис пунктларни очиш ҳисобига носоз машиналарни тузатиш вақтини ва баҳосини кескин камайтирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

республика вилоятлари кесимида қишлоқ хўжалиги машиналарига фирмавий техник сервис кўрсатишни ҳудудий структурали тизим асосида ташкил этишга доир илмий натижалар «Ўзагромашсервис» уюшмаси (ҳозирги «Ўзагросервис» АЖ)да жорий қилинган (2016 йил 12 сентябрдаги 02/12-2016-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида сервис марказларидан узоқда жойлашган туманларда янги фирмавий техник сервис пунктларни ташкил қилиш ҳисобига носоз машиналарни тузатиш вақтини 2,6 мартага қисқартириш имкони яратилган;

вилоят сервис марказларидан узоқ туманлардаги машина-трактор парклари негизида қўшимча фирмавий техник сервис пунктини ташкил этиш бўйича асосланган параметрлар «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ тизимидаги «Ўзагросервис» АЖ, «ЎзКейссервис» қўшма корхонасининг Наманган ва Бухоро Сервис марказларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 31 июлдаги 02/23-410-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижасида битта комбайндаги битта носозликни тузатишга сарфланган ўртача вақтнинг 2,57 соат ёки 62 фоизга қисқартириш имкони яратилган;

олинган аналитик ифодалардан КАЗ-014 «Олд етакчи кўприкли юқори маневрли пахтачилик чопиқ тракторига ягона универсал рама асосида кенг қамровли ресурстежамкор қишлоқ хўжалик машиналарининг агрегатланишини тадқиқ этиш, параметрларини асослаш ва агротехник кўрсаткичларини аниқлаш» мавзуидаги илмий-амалий лойиҳада (2012-2014 йй.) экиш чуқурлиги, ўрта ва ёндош қаторлар орасининг кенглиги ҳамда агрегат ўтгандан сўнг ҳимоя зонаси, ишлов бериш чуқурлиги, бегона ўтларнинг йўқотилиши ва тупроқни уваланиш даражаларининг эҳтимолий-статистик характеристикаларининг сон қийматларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 15 февралдаги ФТК 0313/160-сонли маълумотномаси). Аналитик ифодаларни қўлланилиши қишлоқ хўжалиги агрегатларининг танланган конструктив ва технологик параметрларини тўғрилигини текшириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (Dsc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, мавзунинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Масаланинг ҳолати ва тадқиқотнинг вазифалари»** деб номланган биринчи бобида хорижий давлатлар ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида техника воситаларига ФТС кўрсатиш тизими, параметрлари ва самарадорлигини оширишни асослашга доир тадқиқотлар таҳлил этилган, ечилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ФТС кўрсатиш тизими маълум даражада шаклланган. ФТС истеъмолчилари ва ижрочиларининг функциялари ва вазифалари асосланган. Улар республика ҳудудлари доирасида фаолият кўрсатмоқда. Аммо бу тизимнинг самараси пастлигича қолмоқда.

Мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарига ФТС кўрсатиш тизимига доир илмий–амалий масалалар бир қатор хорижий олим ва мутахассислар томонидан ўрганилган.

Шундай бўлсада, замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳудудий ФТС кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир илмий–амалий масалалар хорижда ҳам, Ўзбекистонда ҳам етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Диссертациянинг **««Фирма–ижрочи–буюртмачи» тизими структурасини ишлаб чиқиш, сервис маркази кўчма устахонасининг математик моделларини тузиш»** деб номланган иккинчи бобида «Фирма – ижрочи -

буюртмачи» тизими фаолиятининг структуравий схемаси, ФТС ижрочилари томонидан носозликларни тузатиш модели, битта машинада содир бўлган битта носозликни бартараф этиш учун кўчма устахона томонидан сарфланган умумий ўртача вақтнинг математик модели, устахонанинг юкланиш коэффициенти ва унинг хусусий холлари ишлаб чиқилган.

1-расмда «Фирма – ижрочи – буюртмачи» тизими фаолиятининг структуравий схемаси келтирилган. Бунда 1-вектор: истеъмолчининг янги техника турлари, сони ва сифатига бўлган талаби; 2-вектор: янги техникани давлат синовлари жараёнида аниқланган баҳолаш кўрсаткичлари; 3-вектор: таъмирлаш-технологик қурилмаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари; 4-вектор: истеъмолчи техникасининг ҳолатларини ифодаловчи параметрлар, таъмирлаш фонди; 5-вектор: техниканинг таъмирдан ва техник хизмат кўрсатишидан кейинги сифат кўрсаткичлари; 6-вектор: янги техникани ишлаб чиқариш сифатини бошқариш параметрлари; 7-вектор: техника воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича бажариладиган комплекс ишлар сифатини бошқарувчи параметрлар; 8-вектор: механизациялашган ишларни бажарилиш сифатини бошқарадиган параметрлар; 9-вектор: истеъмолчининг иқтисодий кўрсаткичлари; 10, 11 ва 12-векторлар: тизимни ифодаловчи қайта боғланиш векторлари бўлиб, улар «Фирма», «Ижрочи» ва «Буюртмачи» кичик тизимларини бошқариш ресурсларини асослаш имкониятини беради.



1-расм.«Фирма–ижрочи–буюртмачи» тизими фаолиятининг структуравий схемаси

2-расмда ФТС ижрочилари, шу жумладан сервис маркази (кейинги ўринларда СМ) кўчма устахонаси томонидан носозликларни тузатиш модели тасвирланган. Битта носозликни бартараф этиш учун кўчма устахона томонидан сарфланган умумий ўртача вақт $\bar{t}_y$ қиймати қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади

$$\bar{t}_y = \bar{t}_T + \frac{2\bar{L}}{\bar{V}_y} + \bar{t}_e + \bar{t}_н, \qquad (1)$$

бунда $\bar{t}_T$ – машина операторининг талаби машина бузилганидан, то сервис маркази диспетчерига келиб тушгунигача кетган ўртача вақт, соат; $\bar{L}$ –сервис маркази кўчма устахонасининг бир томонга босиб ўтган ўртача йўли, км; $\bar{t}_e$ –кўчма устахона механигини агрегат тўхтаб турган далага етиб бориш учун учун сарфлаган ўртача вақти, соат; $\bar{t}_н$ –кўчма устахона механигини носозликни бартараф этиш учун сарфлаган ўртача вақти, соат; $\bar{V}_y$ –кўчма

устахонанинг бориш ва келишдаги ўртача ҳаракат тезлиги, км/соат; $\bar{t}_{ж} = 2\bar{L}/\bar{V}_y$ – сервис маркази кўчма уста-хонасининг носоз агрегат олдига жўнашга тайёргарлик кўриш ва туман марказига етиб бориш учун сарфлаган вақти, соат.

(1) моделдан фойдаланиб $\bar{t}_y$ вақтга қўйиладиган чекланишлар ($\bar{T}_y, \bar{\tau}, T_y$)



2-расм. ФТС ижрочилари томонидан носозликларни тузатиш модели

асосида устахонанинг рационал хизмат кўрсатиш радиуслари ($\bar{R}_П = \bar{L}$) ни аниқлаш ифодалари келтириб чиқарилди:

$$\bar{t}_y \le \bar{T}_y \Rightarrow \bar{R}_П = \bar{L} \le 0{,}5\bar{V}_y\left[\bar{T}_y - \left(\bar{t}_T + \bar{t}_e + \bar{t}_н\right)\right];$$

$$\bar{t}_y \le [T_y] \Rightarrow \bar{R}_П = \bar{L} \le 0{,}5\bar{V}_y\left\{[T_y] - \left(\bar{t}_T + \bar{t}_e + \bar{t}_н\right)\right\};$$

$$\bar{t}_y < \bar{\tau} \Rightarrow \bar{R}_П = \bar{L} < 0{,}5\bar{V}_y\left[\bar{\tau} - \left(\bar{t}_T + \bar{t}_e + \bar{t}_н\right)\right];$$

$$\bar{\tau} - \left(\bar{t}_T + \bar{t}_e + \bar{t}_н\right) > 0 \Rightarrow \bar{t}_н < \bar{\tau} - \left(\bar{t}_T + \bar{t}_e\right), \qquad (2)$$

бунда $\bar{T}_y$ – битта машинадаги битта носозликни бартараф этишга сарфланган умумий ўртача вақтнинг рационал қиймати, соат; $\bar{\tau}$ - машиналарда содир бўлган иккита носозлик орасидаги вақтни математик кутилиши, соат; $[T_y]$ – битта машинадаги битта носозликни бартараф этишга рухсат этиладиган энг катта вақт қиймати, соат.

Кўчма устахонанинг юкланиш коэффициенти:

$$\psi = \lambda / \mu, \qquad (3)$$

бунда $\lambda = n(t)/T_1\ (бузилиш/соат)$ – бир бирлик T_1 вақт ичида машиналарда содир бўлган бузилишлар сони $n(t)$;

$\mu = 1/\bar{t}_y (тузатиш/соат)$ – ўртача хизмат кўрсатиш интенсивлиги ёки бир бирлик вақт ичида хизмат кўрсатиш (тузатишлар) сони.

Тузатиш учун навбат ва устахона сони орасидаги нисбатни ифодаловчи хусусий холлар:

$$\psi < 1 \quad ёки \quad \lambda < \mu:$$

кўчма устахонанинг юкланиши 1 дан (100 фоиздан) кичик - устахона битта носозликни тузатиш ишларидан тезда бўшайди ва навбатда турган иккинчи носоз машинани тузатишга киришади;

$$\psi = 1 \quad ёки \quad \lambda = \mu:$$

кўчма устахона 100 фоиз юкланган – битта машинадаги битта

носозликни бартараф этиш билан банд, қолган носоз машиналар тузатиш учун навбат кутади;

$$\psi > 1 \text{ ёки } \lambda > \mu:$$

тузатиш учун навбатда турган машиналарнинг сони катта – бундай талаблар оқимини қондириш (носозликларни тузатиш) учун қўшимча устахона талаб этилади;

$$T_x = \frac{\psi^2}{2\lambda(1-\psi)}(1+\nu_{t_y}^2): \quad (4)$$

битта носоз машинани кўчма устахона томонидан хизмат кўрсатилишини кутиб, далада тўхтаб қолган ўртача вақти;

$$M_H = \frac{\psi^2}{2(1-\psi)}(1+\nu_{t_y}^2): \quad (5)$$

далада тузатилишини кутаётган носоз машиналарнинг ўртача сони (ν_{t_y} - битта машинадаги битта носозликни тузатишга сарфланган умумий вақтнинг вариация коэффициенти).

Мазкур бобда олинган математик моделлар бўйича ФТС тизими параметрларининг сон қийматларини ҳисоблаш учун машиналарда содир бўладиган ва СМ томонидан хизмат кўрсатилган (тузатилган) талаблар оқимининг статистик параметрларини аниқлаш талаб этилади.

Диссертациянинг **«Ҳайдов агрегатларига кўрсатилган фирмавий техник сервиснинг статистик параметрларини асослаш»** деб номланган учинчи бобида ҳайдов агрегатларида содир бўлган ва кўчма устахоналар томонидан бартараф этилган талаблар оқимининг статистик параметрларини аниқлаш ва асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Кузги шудгор мавсумларида 10 та кўчма устахона томонидан ҳайдов агрегатларида содир бўлган носозликларни бартараф этиш бўйича кўрсатилган сервис хизматларининг хронометрик тадқиқотлари олиб борилди.

Кўчма устахоналар томонидан ҳайдов агрегатларидаги носозликларни ташрифли усулда бартараф этиш тадбирларининг уч йиллик умумлашган кўрсаткичлари 3-расмдаги гистограммада келтирилган. Гистограммалардан фойдаланиб агрегатларда содир бўлган битта носозликни бартараф этиш кўрсаткичларини ҳисоблаб топамиз (4-расм). Бу ерда, 91,7=2475:27; 1,7 =45:27; 1,74=47:27 ва ҳоказо.

4-расмдаги гистограммалардан кўриниб турибдики, 1) ҳайдов агрегатларида содир бўлган битта носозликни бартараф этиш мақсадида вилоят СМ таркибидаги кўчма устахоналар марказдан ҳайдов агрегати тўхтаб қолган



3-расм. Ғилдиракли ҳайдов тракторларига 2007-2009 йилларда кўчма устахоналар томонидан ташрифли усулда кўрсатилган ФТСнинг умумлашган кўрсаткичлари гистограммаси



а) битта носозликни бартараф этиш учун босиб ўтилган йўл, км



б) йўл босиш учун сарфланган вақт, соат



в) тузатишга сарфланган вақт, соат

4-расм. Битта носозликни бартараф этиш учун ҳайдов агрегатларига кўчма устахоналар томонидан ташрифли усулда кўрсатилган хизматлар кўрсаткичларининг гистограммалари

далага бориш ва қайтиб келиш учун ўртача 109,2 км йўлни босиб ўтган; 2) бу йўлни босиб ўтиш учун ўртача 1,99 соат вақт сарфланган ёки кўчма устахона автомашиналарининг ўртача тезлиги 54,87 км/соат ни ташкил этган; 3) агрегатлардаги битта носозликни бартараф этиш учун битта кўчма устахона механиги томонидан ўртача 2,6 соат вақт сарфланган.

Магнум 8940 трактори ва М-165 русумли “Квернеланд” фирмасининг плугидан иборат ҳайдов агрегатларида содир бўлган носозликларнинг статистик характеристикалари: битта ҳайдов агрегатига бир мавсумда тўғри келган талаблар оқимининг математик кутилиши – $\overline{K}$=3,5 *талаб/мавсум*; ўрта квадратик четланиши – S_K=1,24 *талаб/мавсум*; вариация коэффициенти – V_K=34,9 %; математик кутилишининг пастки $K_П$ ва юқориги $K_Ю$ чегаравий миқдорлари: $K_П$=3,048 *талаб/мавсум*, $K_Ю$=4,0 *талаб/мавсум*.

Талаблар сонлари тақсимотининг дифференциал $f(K_j)$ ва интеграл $F(K_j)$ функцияларининг графиклари қурилган ва таҳлил этилган.

Диссертациянинг **«Пневматик чигит экиш агрегатларига кўрсатилган фирмавий техник сервиснинг статистик параметрларини асослаш »** деб номланган тўртинчи бобида чигит экиш агрегатларида содир бўлган носозликларнинг турлари ва таркиблари аниқланган, уларда юзага келган талаблар оқими ва бу талабларни қондириш ҳамда агрегатларга кўрсатилган сервис жараёнларининг статистик параметрлари асосланган.

28 кун давом этган чигит экиш мавсумида Магнум 8940 ва Кейс-1200 пневматик сеялкадан иборат 194 та экиш агрегатида жами 547 та носозликлар юзага келган. Улардан 264 таси (48,2 %) нисбатан оддий бузилишлар бўлиб, операторлар ва туман МТП муҳандислари томонидан тузатилган. Экиш тизими узатмаси (107 та), электр асбоблари, компьютер ва бошқа электрон қурилмалар (21 та), кондиционер (10 та), двигателнинг мойлаш, совутиш тизимлари узел ва деталлари (125 та), агрегат юриш қисми (шиналар, цапфалар, шарсимон бармоқлар) механизмларида (20 та) содир бўлган жами 283 та (51,8 %) мураккаб носозликларни бартараф этиш бўйича СМга буюртмалар берилган.

Сервис марказига юборилган талаблар оқимини статистик тадқиқ этиш натижасида қуйидаги параметрлар асосланди: кўчма устахоналарнинг СМдан агрегатлар бузилган далаларгача бориш ва келиш учун босиб ўтган ўртача йўли $\overline{L}_y = 116{,}4$ км; кўчма устахоналарнинг СМдан агрегатлар бузилган далаларгача бориш ва келишдаги ўртача юриш тезлиги $\overline{V}_y = 77{,}6$ км/соат; битта кўчма устахона механиги томонидан агрегатларда содир бўлган битта носозликни бартараф этишга сарфланган ўртача иш вақти $\overline{T}_y = 5$ соат; 283 та носозлик юзага келган агрегатлар сони: 283·194/547=101 дона; битта агрегатга тўғри келган мураккаб бузилишлар сони: 283/101 ёки $\overline{K} = 2{,}80$ *талаб/мавсум*.

Чигит экиш агрегатларига мавсумлар давомида кўрсатилган ФТСнинг параметрлари: – битта экиш агрегатига кўрсатилган рақамли техник сервиснинг математик кутилиши – $\overline{C}$=1,049 *сервис/мавсум*; ўртаквадратик четла-

ниши – S_c=0,568 *сервис/мавсум*; вариация коэффициенти – V_c= 0,541 (54,1%);

- битта чигит экиш агрегатига тўғри келган мураккаб тузатишлар сонининг математик кутилиши – $\overline{T} = 2{,}2$ *тузатиш/мавсум*; ўртаквадратик четланиши – $S_T = 0{,}685$ *тузатиш/мавсум*; вариация коэффициенти – $\nu_T = 0{,}311$ (31,1%); тузатишлар сони математик кутилишининг пастки $T_П$ ва юқориги $T_Ю$ чегаравий миқдорлари: $T_П$=1,98 *тузатиш/мавсум*, $T_Ю$=2,4 *тузатиш/мавсум*; тузатиш сонлари тақсимотининг дифференциал $f(T_j)$ ва интеграл $F(T_j)$ функциялари графиклари қурилиб таҳлил этилди.

Диссертациянинг **«Кейс» ғалла комбайнларига кўрсатилган фирмавий техник сервиснинг статистик параметрларини асослаш»** деб номланган бешинчи бобида Наманган вилоятидаги 109 та «Кейс» ғалла комбайнларида юзага келган носозликларни бартараф этиш бўйича туман МТПларидан вилоят СМга келиб тушган талаблар оқимини статистик жиҳатдан тадқиқ этиш натижасида қуйидаги параметрлар асосланди:

$$\overline{L}_y = 79 \text{ км}; \ \overline{V}_y = 55 \text{ км/соат}; \ \overline{T}_y = 2{,}08 \text{ соат};$$

– битта ғалла ўрими мавсумида битта комбайнга тўғри келган мураккаб бузилишлар сони $\overline{K} = 5{,}38$ *талаб/мавсум*; талаблар оқимининг экспоненциал қонун билан тақсимланишини исботловчи статистик катталиклар миқдорлари: $\overline{K}$=5,38 (математик кутилиш) s_k=5,56 (ўрта квадратик четланиш); ν_k=1,033≈1,0 (вариация коэффиценти); К.Пирсон критерияси $\chi^2_{ж}$=15,82< $\chi^2_{0.999}$ (5)= 20,5; талаблар оқими математик кутилишининг юқориги $К_Ю$ ва пастки $К_П$ чегаралари қийматлари $К_Ю$=6,34 *талаб/мавсум*, $К_П$=4,62 *талаб/мавсум*;

– талаблар оқимининг интенсивлиги (зичлиги) ёки битта комбайннинг бир мавсум давомида мураккаб бузилишлар интенсивлиги ёки экспоненциал қонуннинг ягона параметри $\overline{\lambda} = 1/\overline{K}$=0,186 *мавсум/талаб* (битта комбайн-нинг битта мураккаб бузилишига 0,186 мавсум тўғри келади);

– талаблар оқими (узлуксиз тасодифий миқдор) K_j нинг тақсимланиш зичлигини ифодаловчи аналитик боғланиш (талаблар оқимининг дифференциал функцияси) $f(\kappa_j) = 0{,}186\, e^{-0{,}186 K_j}$;

– талаблар оқимининг интеграл функцияси ёки K_j чегараларида талабларнинг юзага келиш эҳтимоллиги $F(\kappa_j) = 1 - e^{-0{,}186 K_j}$;

– СМга мавсум давомида келиб тушадиган ўртача талаб миқдорининг зичлиги $\overline{\lambda} K_j = 0{,}186 K_j$;

– ғалла комбайнларининг мавсум давомида бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги

$$P_t(K_j) = e^{-\overline{\lambda} K_j} = e^{-0{,}186 K_j}$$

(K_j=0 бўлганда, яъни сервис марказига битта ҳам талаб келиб тушмаганда $P_t(0)$ =1 эҳтимоллик ўринлидир).

“Кейс” ғалла комбайнларига кўрсатилган ФТС параметрларининг сон қийматлари:

– битта ғалла ўрими мавсумида битта ғалла комбайнига кўрсатилган техник сервиснинг математик кутилиши– $\overline{C} = 4$ *сервис/мавсум*, ўрта квадратик четланиши– $S_c = 2$ *сервис/мавсум* ва вариация коэффициенти– $\nu_c = 0{,}5(50\%)$;

– битта ғалла комбайнига тўғри келган мураккаб тузатишлар сонининг математик кутилиши – $\overline{T} = 2{,}86$ *тузатиш/мавсум*; ўртаквадратик четланиши – $S_T = 1{,}37$ *тузатиш/мавсум*; вариация коэффициенти – $\nu_T = 0{,}479$ (47,9%); тузатишлар сони математик кутилишининг пастки $T_П$ ва юқориги $T_Ю$ чегаравий миқдорлари: $T_П$ =2,42 *тузатиш/мавсум*, $T_Ю$ =3,3 *тузатиш/мавсум*; ғалла комбайнларидаги тузатишлар сонларини нормал қонун билан ўзгариши ҳақидаги ноллик гипотезани 95% эҳтимоллик билан ҳақиқатга яқин эканлигини исботловчи қийматлари:

$$\chi^2_{ж} = 0{,}962 < \chi^2_{кр} = 3{,}84;$$

– тузатиш сонлари тақсимотининг дифференциал $f(T_j)$ ва интеграл $F(T_j)$ функциялари графиклари қурилиб, таҳлил этилди.

Диссертациянинг **«Қишлоқ хўжалигида ҳудудий фирмавий техник сервис тизимини такомиллаштириш асослари»** деб номланган олтинчи бобида қуйидаги натижалар олинган. Наманган вилояти Поп тумани МТП ҳудудида янги фирмавий техник сервис пунктини (кейинги ўринларда ФТСП) ташкил этишнинг зарурлиги асосланган. Унинг хизмат кўрсатиш радиуси $\bar{t}_y = \tau = 2{,}2$ *соат* шартида $R_П = \overline{L} < 0{,}5 \cdot 55\ [2{,}2 - (0{,}17 + 0{,}49 + 0{,}88)]$ ёки $R_П = \overline{L} < 36$ км ни ташкил этди.



5-расм. Наманган сервис маркази ва Поп ФТСП нинг ўзаро жойлашиш схемаси

Янги ФТСПнинг таъмирлаш-хизмат кўрсатиш объектларининг таркиби ва миқдорлари муҳандислик-иқтисодий жиҳатдан асосланди. Мазкур пунктни ташкил этиш ҳисобига ҳудудий ФТС структураси такомиллаштирилди (5-расм).

